

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ

МАВЛОНОВА АЗИЗА ОДИЛ ҚИЗИ

Субъектнинг хусусий капитали, фойда ва
зарарлар ҳисобини ташкил етиш

Битирув малакавий иши

Тошкент 2016

Мундарижа:

	Кириш	Бет
I-боб	Корхонанинг хусусий капитали фойда ва зарар хисобини ташкил қилишнинг назарий асослари	
1.1.	Корхоналарда хусусий капитал хисобини ташкил этиш, унинг хусусиятлари ҳамда таркиби	
1.2.	Хусусий капитал хисобининг вазифалари ва ахамияти	
II-боб	Субъектнинг хусусий капитали, фойда ва зарар хисобининг ҳозирги ҳолати.	
2.1.	Устав капитали, қўшилган ва резерв капитали хисобини ташкил этиш ва уни муаммоларини ҳал қилиш масалалари	
2.2.	Тақсимланмаган фойда (зарар) хисобини олиб бориш ва ҳал этиш йуллари.	
2.3.	Хусусий капитал хисобини ташкил этиш услубиётини ривожлантириш	
III-боб	Хусусий капитал, фойда ва зарарлар хисобини такомиллаштириш	
3.1.	Хусусий капитал хисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	
3.2.	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш	
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Илова	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мавжуд моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш лозим. Рақобатга бардош бериш - бу ривожланишнинг муҳим омилларидан саналади. Айниқса, мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарда хусусий капитал миқдорини кўпайтириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жумладан Президентимиз ўз нутқида “2015-йилда амалга оширган кенг кўламли, узокни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференсиялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодийтимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамадан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014-йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5-йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3-марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари:

- мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган тадрижий тараққиёт дастури ва ички талабни рағбатлантиришга доир чора - тадбирларни изчил амалга ошираётганлиги;

- иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган сиёсатни олиб борилаётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ролини сезиларли даражада ошаётгани;

- молия-банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатаётганлиги эвазига эришилди”¹ - деб таъкидладилар.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари:

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни хусусий капиталини ташкил этишнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ўрганиш асосида хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг мақсади бўлиб ҳисоланади. Корхоналарда хусусий капитал ҳисобини ҳозирги ҳолатини ўрганиш ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ҳисобнинг янги усулларини ўзлаштириш орқали хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Корхонанинг ўз маблағлари турлари, мазмуни ва тушунчасини очиш;
- Корхона капиталининг ҳисобини юритиш ва шаклланишини баҳолаш;
- Корхона ўз маблағларининг ҳисоботини юритишдаги ўзгаришлар тенденциясини баҳолаш.

- устав, қўшилган ва резерв капитали ҳисобини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш;

¹ Каримов И.А. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир”. –Т. Ўзбекистон. 2015 й, 20 бет.

- устав, қўшилган ва резерв капитали ҳисобини яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шаклини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш
- хусусий капиталнинг амалдаги ҳамда иқтисодий адабиётлардаги мавжуд туркумланишини ўрганиш натижасида илмий жиҳатдан асослаш;
- ривожланган давлатлар тажрибаси асосида хусусий капиталнинг янги турларини тан олиш ва ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активлар дастлабки ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- Ташкилот капиталини ҳисобини таҳлил қилиш ва ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасида тизимнинг барча жабҳаларини қамраб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш меъёрий ҳужжатларини ўрганиш.

Битирув малакавий иши объекти ва предмети. Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, “Asaka trans-leasing” МСНҲ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳисоббланади.

Мавзунинг предмети бўлиб, устав, қўшилган ва резерв капитали ҳисобининг услубий асослари, хусусий капитал ҳисобини яхшилаш йўллари аниқлаш ҳамда миллий ва халқаро тажрибалар асосида татбиқ этиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишидаги хулосалар ва тавсиялар, хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капитал ҳисобини халқаро талаблар асосида ташкил этилишига имконият яратади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, 3 боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми ___ бетни ташкил қилади. Илмий иш ___ та жадвал, ___ та чизмадан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида Корхоналарда хусусий капитал ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари, унинг хусусиятлари, аҳамияти, вазифалари ҳамда таркиби ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби Субъектнинг хусусий капитали, фойда ва зарар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, устав капитали, қўшилган ва резерв капитали ҳисобини ташкил этиш ва уни муаммоларини ҳал қилиш масалалари, Тақсимланмаган фойда (зарар) ҳисобини олиб бориш ва ҳал этиш йуллари, Хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш услубиётини ривожлантириш усулларини ўз ичига олади.

Битирув малакавий ишининг учинчи боби хусусий капитал, фойда ва зарарлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштиришдан иборат.

I-боб. Корхонанинг хусусий капитали фойда ва зарар ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари

1.1. Корхоналарда хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш, унинг хусусиятлари ҳамда таркиби.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай корхона, фаолиятдан қатъий назар, хоҳ ишлаб чиқариш билан шуғуллансин, хоҳ хизмат кўрсатиш билан фаолияти боғлиқ бўлсин, ўзида моддий бойликлар ва пул маблағларидан ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш учун амалга оширилган молиявий қуйилмалар йиғиндисидан ташкил топган капиталга эга бўлиши керак .

Капитал –бу моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш учун амалга оширилган молиявий қуйилмалар йиғиндисидир.

Корхона капитали ўз (ички) маблағлари ва жалб қилинган (ташқи) манбаалардан шаклланган бўлиши мумкин.

Молиялаштиришнинг асосий манбаси корхонанинг капиталидир.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган омиллардан бири корхона капиталининг кўпайиши.

Бу бозор иқтисодиётига хос бўлган тоифалардан бири бўлиб, корхона хўжалик фаолиятига ташқи манбалардан, банк кредитлари, юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган қисқа ва узоқ муддатли қарзлар кўринишидаги маблағлар, ички молиялаштириш манбаларини аниқ чегералашга имкон яратади.

Корхона капитали, ёки капитал корхонанинг фаолият юритишида давлат манфаатини, шахсий мулк эгалари ва ундаги ходимлар манфаатини таъминлайдиган, корхонани яратишдаги асосий базалардан бўлиб ҳисобланади.

Корхона капиталининг умумий кўринишини активларни шакллантиришда инвестициялаштирилган пул маблағлари, моддий ва номоддий шаклдаги бойликлар баҳолайди.

Хусусий капитал - корхона мол-мулкининг ҳақиқий баҳоси, активлари (мол мулклари) ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ билан аниқланади. Хусусий капитал корхона балансининг 3 қисмида жойлашган Унда мулк эгасига тегишли бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва фойда келтирадиган мол-мулклари йиғиндиси акс этирилгандир.

Корхонанинг хусусий капитали ўз ичига иқтисодий келиб чиқиши ҳар хил бўлган, шаклланиш усуллари ва корхонанинг молиявий ресурслари манбаларидан фойдаланишни : устав капитали, тўланмаган капитал, қўшимча тўланган капитал , қўшимча тўланмаган капитал, ундирилган капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)камраб олади.

Бундай бўлишлар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун зарурдир. Корхона балансининг пассивлари тизимидаги капитал салмоғининг юқорилиги корхонанинг молиявий барқарорлигидан далолат беради.

Корхона ўз капитали уни маблағларининг умумий қийматини ифодалаб, унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли булиб, активларининг маълум қисмини барпо этиш учун фойдаланилади. Ўз капиталига инвестициялаш ҳисобидан барпо этилган активларнинг бу қисми, корхонанинг соф активларини ифодалайди.

Корхона уз капиталининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракати унинг доимий айланиш жараёни билан характерланади. Капитал айланишининг ҳар бир тугаши бир катор боскичлардан иборат булади.

Корхона капитали айланиш жараёнида учта боскичдан утади.

➤ Биринчи боскичда пул шаклида капитал операцион активларга (айланма ва айланмадан ташқари) инвестицияланиб, ишлаб чиқарувчи шаклга айланади.

➤ Иккинчи боскичда ишлаб чиқарувчи капитал маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида товар шаклига айланади.

➤ Учинчи боскичда товар капитали товар ва хизматларнинг сотилиши натижасида пул капиталига айланади.

Корхона капитали айланишининг ўртача давомийлиги унинг кунларда (ойлар, йиллар) айланиш даври билан характерланади. Бундан ташқари, бу кўрсаткич кўриб чиқиладиган давр мобайнида айланмалар сони билан ифодаланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти модернизация қилиш шароити ва корхоналар фаолиятига талабларнинг ошиши билан, корхоналар барқарор ишлаши учун, уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш зарурати кучаяди. Шунинг учун ҳар бир корхона кўзда тутилган мақсадларга эришиш ва самарали ривожланишнинг оптимал йўлини танлаш учун, муайян ҳисоб сиёсатига эга бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсати - бу, бир томондан, норматив ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ва иккинчи томондан, корхона фаолияти хусусиятларини инобатга оладиган, ҳисоб-китобнинг усуллари дир.

Тадбиркорликнинг ривожланиши тадбиркорлик фаолиятини бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш соҳаларида бухгалтерия ахборотининг ролини ошиши билан кузатилади. Мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар, юридик шахслар, фойдаланувчилар корхона активлари ва уларни ташкил этиш манбалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олишлари учун, қонунчилик талаблари асосида молиявий ҳисобот тузишлари лозим.

Ўз капитали ҳисобини юритиш ҳисоб-китоб варақларида устав капиталини, захира капиталини барпо этиш, якуний фойда(зарар)ни, активларни қайта баҳолаш бўйича ва хоказо операцияларни ўз вақтида ва тўғри ифодалашни таъминлаши лозим.

Бозор муносабатларининг ривожланиши корхона фаолиятини молиявий таъминлашда, маблағлар таркиби ва тузилишида катор узгаришлар содир бўлишига олиб келади. Бундай шароитда корхона ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун узининг маблағларига эга бўлиши лозим. Корхонанинг уз маблағлари турли молия ресурсларидан ташқил топиши мумкин. Масалан, устав фонди, тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга мулжалланган фонлдар ва бошқалар.

Хозирги вақтда мулкчилик шаклларида катъи назар, корхоналарда устав фонди миқдори мазкур корхона ташкил булганда тасдиқланган таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдор билан мувофиқ келиши лозим. Унинг миқдори йил давомида ўзининг мулкчилик шаклини ўзгартирмайдиган корхоналарда ўзгармайди. Давлат корхонаси хусусийлаштирилганда мазкур корхона мулкнинг сотиб олиниш қийматини аниқлаш талаб қилинади, чунки таъсис ҳужжатида устав фонди миқдорини кўрсатиш лозим.

Устав капитали — бу таъсис ҳужжатида белгиланган корхона мулкни белгилашда, унинг фаолиятини бир маромда юргизишда таъсисчиларнинг пул ифодасида қуйган маблағларининг йиғиндисидир.

Корхонанингни киритилган устав капитали ҳажми чиқарилган акциялар номинал қиймати суммасига тенг. Киритилган (туланган) устав капитали янги акциялар чиқариш ёки чиқарилган акцияларнинг бекор қилиниши билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда чиқарилган акциялар жамланма номинал қиймати жамиятда устав капиталининг ўрнатилган минимал ҳажмидан кам бўлмаслиги лозим.

Корхонанингни эълон қилинган устав капитали кўпайиши барча чиқарилган акциялар жойлаштирилгач ва тулангач юз беради.

Устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарорни акционерларнинг умумий йиғилиши қабул қилади. У белгиланган минимал ҳажмдан кам миқдорда камайтирилиши мумкин эмас.

Акция — бу ўз эгасига акциядорлик жамияти устав капиталидаги ҳиссадорлик ҳуқуқи, шунингдек ушбу ҳуқуқдан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқларни берувчи қимматли қоғоз.

Имтиёзли акциялар — бу эгасига оддий акция эгасидан фарқли уларок олдиндан белгиланган миқдорда дивидент олиш ёки жамиятнинг ликвидациясидан сунг қолган мулкка ҳиссадорлик ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз. Имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав капиталининг 25%идан ошмаслиги лозим.

Акцияларни чиқариш, уларнинг миқдори, чиқарилиш шакли, шунингдек ушбу акциялар эгаларининг ҳуқуқлари акция эмиссияси проспекти ҳамда жамият уставида белгилаб куйилади.

Қонунга кура акциялар акциядорларга куйидаги ҳуқуқларни беради:

- дивиденд олиш ҳуқуқи
- жамият бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи
- жамиятнинг ликвидациядан сунг колган мулкига эгалик ҳуқуқи

Жамият факатгина номли акцияларни чиқариш ҳуқуқига эга. Номли акциялар ҳаракати, яъни уларнинг эгаларини узгартириш коидалари катъий тартибда махсус ҳужжатда – акциядорлик жамиятининг акциядорлар реестрида белгилаб куйилади. Номли акцияга эгалик ҳуқуқидан факат реестрда курсатилган шахс фойдаланади.

Қушилган капитал ўз ичига:

- Асосий воситаларни баҳолаш натижасида айланма активларнинг усган киймати, капитал қурилиш ҳамда ташкилотнинг бошка активлари объектлари суммаси

- Эмиссион даромад – жойлаштирилган акцияларнинг номинал киймати
- Бошка суммаларни олади.

Қўшилган капиталдан фойдаланиш тартибини ташкилот таъсисчилари аниқлайди. Ўтган йил натижаларига кўра таъсисчилар қушилган капитални устав капиталини купайтиришга ёки бошка йуналишга таксимлаш туғрисида қарор қабул қиладилар.

Қўшилган капитал деб тан олинган суммалар ҳисобдан чиқарилмайди, факат баъзи ҳолларда қўшилган капитал киймати пасайиши мумкин, масалан:

- Асосий воситаларнинг бошланғич киймати қайта баҳоланганда пасайса
- Асосий воситаларни қайта баҳолаш санасида амортизация суммасини қайта ҳисоблаш йули билан олинган асосий воситалар амортизациясининг ошган қисмидан ҳосил булган фарк.

- Сотиш, текинга бериш, авария, табиат ходисалари, фавкулотда ҳолатларда ва моддий ҳамда маънавий эскириш натижасида асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилса

- Қушилган капитал суммасини устав капиталини қупайтиришга йуналтирилса.

- Шундай қилиб, резерв капитал - бу ташкилотнинг қонунчилик ва таъсис ҳужжатларига мос равишда ташкил этиилган суғурта фондидир.

Ташкилотнинг резерв капитални, келажакда турили хил сабабларга кўра маблағ етишмаганида, пул тўлаш учун корхона томонидан ташкил этилади. Ташкилот фаолияти натижасида мумкин бўлган харажатларни қоплаш учун ташкил қилинган, масалан, устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган маблағлар, соф фойда маблағлари етмаганда, тақсимланган даромад қисмидан, тўлаш учун резервларни фарқлаш лозим. Резерв капитал ҳисобот даврининг охирида тақсимланмаган фойда ҳисобига яратилади.

Устав фондининг бухгалтерия ҳисоби 8300-«Устав капитални» счётида юритилади. Бу счётда корхона узига қарашли маблағлар манбалари ҳисобини куйидаги счётлар бўйича юритади:

8310-«Оддий акциялар».

8320-«Иштиёзли акциялар».

8330-«Пай ваулушлар».

8300-«Устав капитални» счёти давлат корхоналари устав фонди, акциядорлик жамиятлари устав капитални ҳисобга олишга мулжалланган. Бу счётда руйхатга олинган микдор чегарасидаги ҳақиқий устав капитални ёқи тўланган акцияларнинг номинал қиймати акс этирилади. Устав капиталининг микдори руйхатга олинган устав суммасидан ошиб кетмаслиги қарак- Иштирокчиларга улар улуши (пай) бир қисмининг қайтарилиши устав капитални суммасини қамайтирмаслиги лозим, балки акциядорлик жамияти уз акцияларини сотиб олиши, деб расмийлаштирилади. Бу субсчёт бўйича аналитик ҳисоб чиқарилган ҳамда тўланган акциялар турлари, «таъсисчилар

ва обуначилар» шахсий счётлари бўйича маълумотлар билан таъминланиши лозим.

8310-«Оддий акциялар» счёти оддий акцияларни узида му-жассам этган акционерлик капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Акционерлик жамияти давлат рўйхатидан утганидан кейин, унинг устав капитали рўйхатдан ўтказилган суммада счётларда акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тўлов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8310-«Оддий акциялар».

Акциядорлик жамияти ўзининг устав капиталини кўпайтириши мумкин. Бунинг учун янги акциялар чиқариши ёки акциялар номинал қийматини ошириши мумкин.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акциялар қури-нишида чиқарилган акционерлик капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Акциялар 8310-«Оддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счётларида номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

8310-«Оддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб устав капиталининг таркиб топиш босқичлари ва таъсисчи қорхоналар бўйича маълумотларни таъминлаши лозим.

8330-«Пай ва улушлар» счёти мулкдор капитали ёки унинг ташқилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда иштирокчилар улуши қуринишидаги қорхона устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Қорхона рўйхатдан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали, уставда акс эттирилган ва таъсисчилар пай ва улушлари суммаси счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тўлов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8330-«Пай ва улушлар».

Давлат корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошлаши учун умумдавлат фондидан маълум миқдорда асосий воситалар ва оборот маблағлари ажратилади, улар корхоналарга доимий фойдаланиш учун бириктирилади. Асосий воситалар корхоналарга ишлаб чиқариш режасини бажаришини таъминлайдиган миқдорда, оборот маблағлари эса ушбу маблағларнинг энг кам миқдорини таъминлайдиган норматив бўйича ажратилади. Уларнинг манбалари корхона устав фондиди ташкил қилади. Устав фонди миқдори корхона балансининг алоҳида моддасида акс эттирилади.

Акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият юридик шахслар ёки фуқаролар билан келишилган ҳолда тузилган бўлиб, уларнинг мулкни ушлаштиради. Мазкур мол-мулк чегарасида мажбурият учун уларнинг ҳар бири масъулият ҳис этади. Акциядорлик жамиятининг устав фонди акционерлар томонидан сотиб олинган акцияларга бўлинган, масъулияти чекланган жамият устав фонди эса унинг аъзолари томонидан сотиб олинган бир неча улушларга бўлинади. Акциядорлик жамияти инқирозга учраганда, акционерлар ўзларига тегишли акция қиймати миқдорида зарар кўрадилар.

Акциядорлик жамиятларининг бошқа корхоналардан фарқи шуки, уларнинг мол-мулки, юқорида таъкидланганидек, акционерлар мол-мулки ҳисобидан ташкил топади. Жамият ҳеч қандай юқори ташкилот кўрсатмасисиз мустақил, эркин фаолият олиб бориб, акционерлар акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этади.

Бошқа турдаги корхоналардан акциядорлик жамиятининг яна бир фарқи шундан иборатки, жамият даромади турли тўловлардан сўнг жамият аъзоларига уларнинг жамиятга қўшган мол-мулк улушига мувофиқ дивиденд кўринишида тақсимлаб берилади.

Демак, юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, акциядорлик жамияти ўзининг фаолиятини давом эттира олиши учун у факат даромад олиб ишлаши, унинг аъзолари эса ишлаб чиқариш хўжалик

фаолиятини бошқаришда, бошқарувини, технологиясини такомиллаштиришда фаол иштирок этмоклари лозим. Шундагина жамият аъзолари унинг фаолиятдан моддий манфаатдор бўладилар.

Акциядорлик жамиятларида устав фонди микдорининг кейинги ўзгариши ва 8300-счётга ёзув таъсис ҳужжатида, маълумотларига узгартириш киритилганда белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, устав фонди микдорининг узгариши йил охирида жамият аъзолари ёки мулкдорлар йирилишида корхона йиллик хўжалик фаолияти натижаларини куриб чиқиш натижасида юз бериши мумкин. Йиғилиш иштирокчилари устав фонди микдорини узгартириш ҳақида қарор чиқаришлари мумкин, устав фонди микдори тақсимланмаган фойда, махсус мақсадларга мулжалланган фондларнинг иш-латилмай долган маблағи ёки муомалага акциялар чиқариш ва бошқалар ҳисобига ошиши мумкин. Таъсис ҳужжати ва давлат руйхати реестрига узгартириш киритилгандан сўнг 8300-«Устав капитали» счётига ёзув ёзилади. Акция қимматли коғознинг бир тури ҳисобланади. Умуман, қимматли коғозларга акциялар, облигациялар, омонат касса сертификатлари киради.

Акция акциядорлик жамиятлари, корхона, ташкилотлар, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилади. Бу қимматли коғоз тури уз эгасига корхона оладиган фойдасининг бир қисмини дивиденд курунишида олиш ҳуқуқини беради. Дивиденд - бу акциядорлик жамиятининг ҳисобот даврида олинган ва акцияларга қараб акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойдаси.

қуйидаги турдаги акциялар фарқланади:

- 1) корхона;
- 2) акциядорлик жамиятлари акциялари.

Корхона акциялари корхона, ташкилотлардан ташқари яна тижорат банклари, хўжалик жамиятлари томонидан чиқарилади. Улар бошқа корхона ва ташкилотлар, ихтиёрий тарзда тузилган жамиятлар ҳамда банкларга тарқатилади. Хиссадорлик жамиятлари акциялари эса жамият аъзолари

ўртасида таркатилади. Бу акция эгаларининг бошқа акция эгаларидан фарқи шундаки, агар акциядорлик жамияти таркатилиб юбориладиган бўлса, у ҳолда жамият мол-мулки жамият аъзолари ўртасида тақсимланади.

Акция қуйидаги маълумотларни ўзида ақс эттириши лозим: акцияни чиқарган корхона ёки ташкилот номи, унинг жойлашган жойи, қимматли қоғоз номи, унинг тартиб рақами, чиқарилган муддати, чиқарилган акциялар сони, дивиденд тўлаш муддати, корхона ёки ташкилот раҳбари имзоси, дахлдор шахс имзоси. Акциядорлик жамиятида акцияларни чиқариш унинг устав фонди микдорида амалга оширилади. Агар давлат корхонаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган бўлса, унинг бутун мол-мулки микдорида акция чиқарилади. Корхона акциялари жамоа ва корхона аниқлаган микдорда акциялар чиқаради. Меҳнат жамоалари акциялари ва акциядорлик жамияти акциялари жамият ҳамда жамоа аъзолари томонидан шахсий мулк сифатида сотиб олинади.

Акция учун дивиденд корхона, акциядорлик жамияти фойдаси ҳисобидан тўланади. Акциядорлик жамияти акциясининг эгалари мазкур жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Корхона акциялари эгалари бундай ҳуқуқга эга эмаслар.

Корхона акцияларини муомалага чиқаришдан асосий мақсад қўшимча молия маблағларини амалда фойдаланишга жалб қилишдир. Бу акция турлари акция чиқарувчи корхона ҳамда ташкилотларда мулкчилик шаклини ва ҳуқуқий ҳолатини узгартиришга имкон бермайди. Қимматли қоғозлар тўғридан-тўғри унинг эгалари ёки банк орқали сотилади. Фонд биржаси — бу қимматли қоғозлар олиб сотилади-ган савдо жойи. Акциядорлик жамиятлари пайдо бўлиши билан мамлакатда қимматли қоғозларнинг дастлабки бозор элементлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Бир вақтнинг ўзида корхоналарни узоқ, муддатли молия маблағлари билан таъминлашда қимматли қоғозларнинг роли ошади. Уларни сотиш ва сотиб олиш фақатгина фонд биржаларида амалга оширилади. Фонд биржалари қимматли

коғозларнинг иккинчи бозори, яъни қимматли коғозларни сотувчи ва сотиб олувчининг учрашадиган жойи ҳисобланади.

Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари уртасидаги фарқни узида мужассамлаштиради.

Ўз навбатида, хусусий капитал икки гуруҳга бўлинади:
қўшилган капитал (инвестиция) ва таксимланмаган фоида.

Мамлакатимиз худудида ва хорижда тузилган бошқа корхоналарнинг қимматли коғозларига, авлод, қўшма корхоналарнинг устав капиталлари (фондлари)га узоқ муддатли қуйилмалар (инвестициялар) нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги мағлумотларни умумлашгириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0610-«Қимматбаҳо коғозлар».

0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0640-«Хорижий сармоя катнашган корхоналарга инвестициялар».

0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

Молиявий инвестициялар - бу фоизлар, дивидендлар, роялти ёқи ижара ҳақи, инвестициялашган капитал кийма-тининг ошиши қуринишида даромад олиш ёқи инвестиция-ланган томондан бошқа тушумларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

Узоқ муддатли инвестициялар - бу муддати 12 ойдан ортиқ бўлган инвестициялардир.

0610- «Қимматли котозлар» счётида давлатнинг фоизли за-емларига, акционерлик жамиятлари акцияларига ва бошқа қимматбаҳо коғозларга узоқ муддатли молиявий қуйилма (ин~ вестия)ларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0640-«Хорижий сармоя катнашган корхоналарга инвестициялар» счётида авлод, қўшма, карам, уюшган корхоналарда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Устав капитали (фонди), уни ташкил қилиш, узгаришини ҳисобга олиш, таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

Мулкчиликнинг тегишли шакллариға тааллуқли корхоналарда устав фондини ташкил қилиш тартиби таъсис ҳужжатлари ва ҳукуматнинг тегишли қонунлари асосида тартибга солиб турилади. Устав фонди ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби 8300-«Устав капитали» счётида, 13-журнал-ордерда юритилади.

Юқорида таъкидлаб утилганидек, устав фондининг аналитик ҳисоби иштирокчилар (таъсисчилар) бўйича карточкалар ёки ведомостларда юритилади. акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган корхоналарда 8300-«Устав капитали» счётида қуйидагича субсчётлар очилади:

8310-Оддий акциялар».

8320-«Имтиёзли акциялар».

8330-«Улушлар ватўловлар».

Акциядорлик жамиятининг уз акцияларини акционерлардан сотиб олиши, сотиши ёки бекор қилиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:


Дт 8610,8620 Кт

С.	
----	--

Дт 5010,5110,5210 Кт

С.	
----	--

Бу акцияларни кейинчалик қайта сотиш счётларда қуйидагича акс эттирилади:



Юқорида келтирилган ёзувлар натижасида 4610-счётнинг дебет томонида ҳосил булган қолдиқ акционерларнинг қарзини, яъни олинган акциялар учун тўланмаган маблағ ёки таъсис ҳужжатида эълон қилинган устав фондига қўшилиши лозим булган улуш миқдорини кўрсатади. Бу тўловлар ёки акция қиймати тўланганда келиб тушган маблағ суммасига 4610-счёт кредитлиниб, устав фонди миқдори узғаришсиз қолдирилади.

Акционерлар сотиб олган акциялар учун ҳиссадорлик жамияти фойдаси ҳисобидан дивиденд оладилар. Унинг миқдори корхона хўжалик фаолияти натижаларига қўшилган борлик. Фойдадан бюджетга, солиқ, резерв фондига, корхона умумий мақсадларига ажратмалар қилингандан кейин акционерлар учун дивиденд тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тегишли ҳисобот йилида олинган фойдадан қатъи назар акция қийматига нисбатан аввалдан белгиланган фоиз миқдоридан тўланади. Оддий акциялар бўйича дивиденд миқдори корхона фаолияти натижалари муҳокама қилинганидан кейин жамоа умумий йиғинида аниқланади.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти устав билан тартибга солиб турилади. Акционерлар ҳиссадорлик жамиятига қаршли мулк учун тулиқ масъул эмаслар, уларнинг жавобгарликлари корхона устав фондига қўшилаётган улушлари (яъни улушларни ўз вақтида тўлаш ёки ўтказиш, акцияларга обуна бўлиш) билан чегараланади.

- I. Устав фонди маблағининг ҳаракат ҳисоби бўйича операциялар қуйидагича акс эттирилади: 8300-«Устав (Фонди (капитали))»

<p>4610 – «Акционерлар жамиятдан чиққанда устав фондининг камайиши» Акциядорлик жамиятининг зарари устав фонди хисобидан қопланганда камаяди</p>	<p>С. – Устав фондининг рўйхатга олинган суммаси:</p> <p>а) рўйхатга олинган вақтда устав фондининг ташкил килининш суммаси</p> <p>б) фойда хисобидан устав фондининг купайиши</p> <p>в) тақсимланмаган фойда хисобидан устав фондининг купайиши</p>
--	--

II. Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб бўйича операциялар қуйидагича акс эттирилади:

4610-«Устав фондига тўловлар бўйича таъсисчилар карзи»

<p>С. – Хисобот оyi бошқа таъсисчилар карз суммаси – устав фондига улуш юзасидан</p>	<p>Қарз қайтарилганда:</p> <p>а) 0100 – асосий воситалар</p> <p>б) 0400 – номоддий активлар</p> <p>в) 5010, 5110, 5210 – пул маблағлари</p> <p>г) 1010 – 1090 – бошқа активлар қушилганда</p>
--	---

Муомалада катнашаётган чиқарилган, яъни акционерлар аъзо булган ёки эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) оддий акцияларнинг ҳар қайси чиқарилиши бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритилади ва ҳали чиқарилиши тугатилмаган, аммо руйхатдан ўтказилган миқдорда шундай акциядорлик капитали сифатида акс эттирилади. Акциядорлик жамияти капиталининг ҳуқуқийлиги даражаси унинг номинал қийматини аниқлаб, акцияларни чиқаришга рухсат берилганлигини руйхатдан ўтказишда

белгиланади. қимматли қоғозларни чиқаришни руйхатдан ўтказиш тартиби, оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш шарғи ва уларни банк томонидан сотиб олиш 26.04.1996 йил, 223-1-сонли «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва 10.08.1998 йил, 423-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни руйхатдан ўтказиш ва чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

Оддий акциялар 8310-счётда номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, уларни сотишдан олинган номинал қийматдан ортиқ ёки кам суммаларнинг барчаси 8410-«Эмиссион даромад» счётида акс этирилади.

Акцядорлик жамиятлари уз устав капиталини янги акциялар чиқариш ва уларнинг номинал қийматларини ошириш йули билан купайтириши мумкин. Акцядорлик жамиятлари устав капитали миқдорининг камайиши акциялар номинал қийматининг пасайиши ҳисобига ёки капиталга обуна тўғрисидаги хабарда обуна суммаси миқдорини копламаган тақдирда корхоналар томонидан хусусий акцияларнинг бир қисмини акция эгаларидан сотиб олиш ҳисобига руй бериши мумкин.

8310-«Оддий акциялар» ҳисоби бўйича аналитик ҳисоб хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича ахборотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция қуринишида чиқарилган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин акция эгасига дивиденд кафолатини берадиган, яъни олинган фойдани тақсимлаш жараёнида оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзга эга булган акциядорлар ҳасида маълумот олиш имконини беради. Имтиёзли акциялар ҳисоби акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади. Ушбу акцияларни номинал қийматидан юқори баҳода сотишдан олинган ҳар бир сумма 8410-«Эмиссион даромад» счётида ҳисоб қилинади.

8330-«Улушлар ва тўловлар» счёти хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқилий-ҳуқуқий шаклларига асосан давлат ёки хусусий, қўшма

корхоналарда катнашувчиларнинг бадаллари ҳисобига ташкил қилинган капиталлар ҳаракати билан операцияларни ҳисобга олишга мулжалланган.

Уставда қайд қилинган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган таъсисчиларнинг улуши ва омонатларидан ташкил топган корхонанинг устав капиталини руйхатдан ўтказгандан кейин таъсисчилар улуш ва бадалларининг суммаси 8330-«Улуш ва бадаллар (тўловлар)» счётининг кредити ва 4610-«Устав капиталига тўловлар бўйича таъсисчиларнинг карзи» счётининг дебитида ҳисоб қилинади.

Устав капитали счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир таъсисчиси бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

8400-«Қушилган қиймат капиталини ҳисобга олувчи счётлар» асосан олинган оддий ва имтиёзли акциялар номинал қиймати суммасининг ошиши ҳолати ва ҳаракатн ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

Қўшимча капитал номинал қийматидан юқори баҳо бўйича биринчи бор сотилган акциялардан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бу счётда яна устав капиталига тўлов тўлашда вужудга келадиган курс фарқлари суммалари ҳам ҳисоб қилинади.

Қўшимча капитал ҳолати ва ҳаракати қуйидаги счётларда ҳисоб қилинади.

8410-«Эмиссион даромад».


8420-«Устав капитали таркиб топишидаги курс фарқлари».

8410-«Эмиссион даромад» счёти акция номинал қийматидан ошикча олинган маблағлар ҳақида маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган. Маблағнинг келиб тушиши бу счётнинг кредит томонида, мабларнинг сарфланиши бу счётнинг дебитида ҳисоб қилинади.

Қўшимча тўланган капитал аналитик ҳисоби оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юритилади.

8420-«Устав капитали таркиб топишидаги курс фарқлари» счёти устав капитали таркиб топиши жараёида вужудга келадиган курс фарқларини ҳисобга олишга мулжалланган.

Устав капитали таркиб топишида валюта ва валюта қиймат-ликлари устав капиталига тўлов тўлаш momentiда ҳаракатда бўлган республика Марказий банки курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини, бошқа мулкни баҳолаш таъсис ҳужжатларини руйхатга олиш вақтида уларни баҳолашдан фарқ қилиши мумкин. Ушбу фарқ 8420-счётда ҳисоб қилинади, бу счётларда қуйидагича акс этгирилади:



Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар корхона таъсис ҳужжатларига мувофиқ фойда ҳисобилан ташқил қилинадиган резервларни ҳисобга олишга мулжалланган.

Резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати қуйидаги счётларда ҳисоб қилинади:

8510-«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

8520-«Резерв капитали».

8530-«Бегараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк».

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб шундай ташқил қилиниши керакки, маблағ-лардан фойдаланишни йуналтириш бўйича маълумотларнинг таркиб топишини таъминлаши лозим.

8510-«Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида активларни қайта баҳолаш натижаси бўйича аниқланадиган улар қийматининг ошиши ҳисоб қилинади. Агар қайта баҳолаш натижасида актив қийматида камайиш содир булса, у ҳолда бу камайиш аввалги худди шу актив тури бўйича ошиши ҳисобига копланеди ва 8510-счёт дебетиде акс эттирилади. Ушбу активлар бўйича қийматининг камайиш суммаси аввалги

ошишдан ошиб кетса, у ҳолда ошган сумма чиқим деб ҳисобланади ва у 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

8510-счёт бўйича қолдик балансда «Резерв капитали» моддасида акс эттирилади.

8520-«Резерв капитали» счёти акционерлик жамиятлари, ҳамкорликдаги корхоналар ва бошқа хўжалик Юритувчи субъектларда резерв капитали ҳолати ва харакати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган. Качонки бу корхоналарда таъсис ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги қонуниятларида резерв капиталининг таркиб топиши кузда тутилган бўлса. Резерв капиталининг маблағи умумий баланс зарарларини коплаш, карзларни коплаш ва коплашнинг бошқа имкониятлари бўлмаган такдирда бошқа мақсадлар учун резерв сифатида фойдаланилади.

1.2. Хусусий капитал ҳисобининг вазифалари ва аҳамияти

Бозор иқтисодиётида ташкилот капитали энг муҳим иқтисодий категория сифатида каралади ва бухгалтерия ҳисобининг янги объектларидан бири ҳисобланади.

Ташкилот раҳбарияти ўз фаолиятини қайси манбалар асосида амалга оширишини ва ўз капиталини қандай фаолият юритиш сфераларига йўналтиришини аниқ белгилаб олиши даркор.

Бозор иқтисодиёти шароитида жорий хўжалик фаолиятини молиялаштириш, ташкилотнинг ишлаб чиқариш потенциалини ўстириш ва оптимал структурасини шакллантиришга кўмак берувчи молиявий ресурсларнинг аҳамияти жадал ривожланмоқда.

Ташкилотнинг молиявий фаровонлиги ва унинг фаолияти натижалари хўжалик юритувчи субъектнинг қандай капиталга эга эканлиги, унинг таркибининг қай даражада оптималлиги, асосий ва айланма маблағларнинг қанчалик мақсадли йўналтиришига боғлиқ.

Юкорида айтиб утилганлар билан боғлиқ ҳолда капиталнинг алоҳида таркибий қисмлари ва уларнинг динамика ҳақида ахборотни шакллантирувчи ташкилот капиталнинг қуп қиррали ҳисоби улкан аҳамият касб этади. Уҳбу ахборот ташки ва ички фойдаланувчиларга молиявий таҳлил ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур саналади.

Хужалиқ фаолияти таҳлили ташкилот ҳолатини урганиш билан бошланади ва тугатилади.

Хусусий капитал таҳлили қуйидаги асосий мақсадларни назарда тутлади:

- Хусусий капитални шаклланиш манбаларини аниқлаш ва уларнинг узгариши ташкилот молиявий барқарорлигига таъсирини белгилаш.

- Жорий ва тақсимланмаган фойдани бошқаришдаги ҳуқуқий шартномавий ва молиявий чегараларни аниқлаш

- Дивидендлар олиш ҳуқуқини аҳамиятини баҳолаш

- Ташкилот ликвидациясида таъсисчилар ҳуқуқлари аҳамиятини урганиш

Хусусий капитал элементлари таркиби таҳлили унинг асосий функцияларини аниқлайди:

- Фаолият узлуксизлигини таъминлаш

- Капитал, кредитлар ва заралар туловини ҳимояланганини қафолатлаш

- Қулга қиритилган фойдани тақсимлашда иштирок этиш

- Ташкилот бошқарувида иштирок этиш

Капитални жойлаштириш ва шакллантириш манбалари ҳисоби, ташкилотни ишга туширишнинг бошланғич шартлари ва унинг молиявий барқарорлигини баҳолашда катта аҳмият касб этади.

Бозор иқтисодиёти қарор топиб, ривожланиб бориш шартларидан энг муҳими фойда олиб ишлаш ҳисобланади. Шу маънода ҳар қандай иқтисодий

харакат натижаси албатта фойдалиликни, манфаатликни таъминлаши керак. Бугунги режали бозор иқтисодиётининг асосий жиҳати шундаки, социалистик тузумдаги режали иқтисодиётда фаркли ўлароқ ҳар бир иқтисодий субъект учун кенг имкониётлар очиб беради.

Маъмурий бошқариш ёки режалаштиришда, хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, бошқаришнинг шакл ва услублари тизимидаги тубдан ўзгаришлар асосида бошланган бозор иқтисодиётига ўтиб бориш, иқтисодий ҳаракатга бўлган иштиёқ ва эркинликни ўстирган ҳолда, аниқ ва ўз номидан мулк ва ютуқлар эгаси сифатида чиқувчи ҳаракат субъектларини қарор топишига имкон бермоқда.

Энг катта ютуғимиз шуки, айти пайтда корхоналар тўла давлат тасарруфидан чиқарилди ва турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган корхоналарга айлантирилди. Эркин бозор мунособатларига асосланган шароитда ишлаб чиқариш, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини ёлга кўйиш ва юритишдан энг асосий мақсад юқори натижавийликка эришиш ҳисобланади.

Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш жараёнлари бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган ва турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг салоҳиятини уларнинг хусусий капитали кўсаткичи характерлайди. Хусусий капиталга етарли даражада эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош бериш қобилияти суст бўлади. Шунинг учун ҳам хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўайтириб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг, шу жумладан маъсулияти чекланган жамиятларнинг ҳам ривожланишига кафиллик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади.

Хусусий капитал ҳисоби ҳозирги эркин бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у корхонанинг ўз қудрат даражаси қай даражада эканлигини билдиради. Шу тарафларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ 6 - сессиясида қабул қилинган

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида ҳам хусусий капитал ҳисобига катта эътибор берилган. Унинг 16 - моддасига кўра молиявий ҳисоботлар таркибида 5 - шакл “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот” деб номланиб, бу шакл ҳар йили бошқа ҳисоботларга қўшилган ҳолда юқори органларга топширилиши лозим.

Маъсулияти чекланган жамиятларда ҳам бошқа мулк шаклидаги корхоналар сингари бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлиб, молиявий хўжалик фаолиятини шакллантирувчи активлар ва мажбуриятлар ҳисобланади. Лекин шу билан биргаликда маъсулияти чекланган жамиятларида шу мулк шаклининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ва бухгалтерия ҳисобида инобатга олиш шарт бўлган объектлар ҳам мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг шундай объектларидан бири корхона ва ташкилотларда мулкни тасарруф этиш, бошқариш ва унга эгаллик қилиш усули ёрдамида либерал иқтисодий-ижтимоий фаолият кўрсатишдир. Бухгалтерия ҳисобида бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга.

Буларга акция чиқариш ва унинг муомаласи билан боғлиқ операциялар, хусусий (устав) капитали, қимматли қоғозлар, даромад (фойда), дивиденд тўловлари, махсус шаклландиган фондлар ва фойданинг тақсимоли каби жараёнлар киради. Бу жараёнларнинг барчаси маъсулияти чекланган жамиятларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос бўлган ҳисоб объектлардир.


Ушбу объектларни тадқиқ қилишда бухгалтерия ҳисобининг муҳим фундаментал тамойилларидан бири бўлган икки ёқлама ёзув тамойилига асосланилади. Бунинг замирида қуйидаги тенглик ётади:

АКТИВ=ХУСУСИЙ КАПИТАЛ+МАЖБУРИЯТЛАР

Бу тенгликдан кўриниб турибдики, хусусий капитал ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мулкӣ ва молиявий ҳолатини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 15 январдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот”нинг 5-шаклида хусусий капиталнинг тузилмаси қуйидагилардан иборатдир деб кўрсатилган:

Устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарар.



- чизма. Хусусий капиталнинг ташкил топиш манбалари

Хусусий капитал деганда, ХЮС га тегишли булган мулкнинг қиймати тушунилади. Бу капитал жами капитал билан қарзга олинган капиталнинг ўртасидаги фарк сифатида аниқланиши мумкин, яъни

$$K_x = K_j - K_k$$

Бунда:


K_x – хусусий капитал

K_j – жами капитал

K_k - қарзга олинган капитал

Хусусий капитални бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларни бир канча белгилар бўйича таснифлашни тақозо килади.

Хусусий капитални таснифлашнинг таркибий тизими қуйидаги кетма-кетликдан ташкил топиши лозим:



-чизма. Хусусий капитални таснифлашнинг таркибий тизими

Ушбу чизмага кўра, хусусий капитални таснифлашнинг юқори бўғинида унинг моддийлик белгиси туради. Ушбу белгисига кўра, корхона ва ташкилотларнинг барча хусусий капиталини икки гуруҳга, яъни моддий хусусий капитал ва номоддий хусусий капиталга ажратиш мумкин.

- ✓ Моддийлиги бўйича
- ✓ Хизмат муддати бўйича
- ✓ Фаолиятда иштирок этиш даражаси бўйича
- ✓ Турган жойи бўйича
- ✓ Тури ёки кўриниши бўйича
- ✓ Ташкил топиш манбаси бўйича

Моддий хусусий капитал деганда, корхона ва ташкилотларининг моддий бўлган барча активлари тушунилади. Корхоналарнинг барча моддий

хусусий капитали барча активламинг бир қисми сифатида бухгалтерия балансининг «АКТИВ» қисмида жойлашади. Номоддий хусусий капитал ўз ифодасини номоддий активларда топади. Бу ҳам бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашади

Хизмат муддати белгиси бўйича хусусий капитал корхона ва ташкилотларда канча муддатда иқтисодий самара бериши, яъни фойда келтириш билан таснифланади. Ушбу белги бўйича барча хусусий капитални узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусий капиталга ажратиш мумкин. Хизмат муддати белгиси сифатида бухгалтерия ҳисобида, одатда, бир йиллик муддат қабул қилинган. Ушбу муддатга кўра бир йилдан кўп хизмат қиладиган хусусий капитал узоқ муддатли, 1 йилгача амал қиладиган хусусий капитал эса қисқа муддатли хусусий капитал ҳисобланади.

Узоқ муддатли хусусий капиталга асосий воситалар, номоддий активлар (патент, лицензия, турли ҳуқуқлар, янги \ъялар ва бошқалар) ва бир йилдан кам бўлмаган муддатга қўйилган қўйилмалар киради. Қисқа муддатли хусусий капитални адабиётларда (шу жумладан, 2004 йил 1 январдан қўлланилиб келинаётган бухгалтерия балансида) «айланма активлар» деб ҳам атайдилар.

Уларга ишлаб чиқариш захиралари, товар моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқалар киради.

Фаолиятда иштирок этиш даражасига кўра барча хусусий капиталлар фаол ва фаол бўлмаган хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Одатда, айланма маблағлар, асосий воситаларнинг фаол қисми (машина ва механизмлар) корхона фаолиятида фаол иштирок этади ва кўпроқ фойда келтиради. Хисоб-китоблар бўйича бошқа миқдорларда бўлган хусусий капитал, яъни Дебеторлик қарзлар корхона фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Турган жойига кўра хусусий капитал эксплуатациядаги, яъни фойдаланишдаги ва захирадаги (консервация қилинган) хусусий капиталга бўйинади. Фойдаланишдаги капитал - бу корхона ва ташкилотларнинг

молиявий - хўъалик фаолиятини юритишда қатнашаётган капиталдир. Захирадаги капитал эса вақтинчалик қурилиши тугатилмаган бинолар, сеҳлар, ишлаб чиқаришга мўлжалланиб сотиб олинган, лекин маблағлетишмаслиги сабабли вақтинча омборда туриб қолган ускуна ва жиҳозлардан иборатдир.

Тури ва кўриниш белгисига кўъа хусусий капитал реал моддий-товар бойликларидан иборат бўъади, яъни у, бино, иншоотлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул маблағари ва бошқалар ҳисобига шаклланади. Булар ҳам бухгалтерия балансида ўъ аксини топган.

Корхона, ташкилот, турли жамиятларнинг хусусий капитали, асосан, кўйидаги манбалар ҳисобидан шаклланишини кузатиш мумкин, яъни: мулк эгаларининг маблағларидан, таъсисчилар улушидан, фаолиятдан олинган фойдадан, қайтариб бермаслик шарти билан олинган маблағлардан ва ҳоказолардан.